КОТИБ

1605

Сивас

«Кимсасизларнинг ҳам кимсаси бор».

Нималар бўлди ўзи? Тасодифан учратиб қолган бу инсон ким эди? Кўрган ва эшитганларим ҳақиқатмиди? Нима деб тушуниш мумкин бу воқеаларни? Агар бу бир ишорат бўлса, кейин ҳақиқатан ҳам Шомга бордимикин?

Буларни сўрамоқчи бўлдим, лекин журъатим етмади. Сўролмасдим, ҳатто гапиролмасдим. Лекин у билан гаплашишни ич-ичимдан хоҳлаётгандим. Умрим бино бўлиб ҳеч ким билан кўнгилдан гаплашмадим, дардларимни сочиб ҳасратлашмадим. Бундай қилиш қўлимдан келмади. Қани энди ҳозир ичимдагиларни тўкиб сочолсам. Яна қўлимдан келмади. Ниҳоят ўзи жавоб берди.

– Амаким Шомга боргани ҳақида айтиб берганди, – деди Ражаб афанди. – Кейин билсам, пойтахтда ҳамма нарсадан воз кечиб, кунлаб, ойлаб йўл юриб Шомга борган

экан. Анча вақт у ерда қалбидаги дардига дармон бўладиган инсон қидириб юрган. Қаерда бир шайх бор деб эшитса, унинг ҳузурига ошиққан, қаерда бир кўнгил табиби бор деса, ундан шифо умид қилиб, ортидан эргашган. Лекин нима қилмасин, қаерга бормасин, насибасини тополмабди. Шомда бир йил қолгандан кейин ҳажга боришни ният қилади. На ёнида бир ақчаси бор ва на бир таниган инсони. Кунларнинг бирида тасбеҳни омонат қилиб берган дарвешнинг айтганлари эсига тушиб қолади. Бозорларни айланиб, Бакр устани излашни бошлайди. Қандай қилиб омонатни эгасига етказишни унутиб қўйганига ўзи ҳам ҳайрон бўлади. Нима қилсин, ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бор экан. Умри йўлларда ўтган инсон баъзан ҳаётини фақат йўллардан иборат деб ўйлаб қолади. Ҳатто бу йўлнинг қаердан бошланганини, нима учун йўлларга тушганини ва нима қидираётганини ҳам унутиб қўяди.

Бакр устани излаб сўрамаган одами қолмабди. Сўраган инсонлари орасида устани биладиган одам чиқмабди. Излаб-излаб охири уни бир масжиднинг ҳовлисида учратиб қолади. Қандай қилиб топди, қандай қилиб учрашишди, нималар ҳақида гаплашишди, бу ҳақда ҳеч ким билмайди. Баъзи инсонларнинг айтишича, халтасидан тасбеҳни олиб, унга кўрсатганида, Бакр уста ҳайратдан қотиб қолган экан. Бир тасбеҳга қарармиш, бир амакимга. Ҳеч нарса демабди, сир ҳақида ҳам гапирмабди. Фақатгина кўзларига ёш олиб, йиғламоқчи бўлибди. Лекин амаким бу ҳолатга тушунмабди. Балки, бир билгани бордир ёки кейинроқ тушунган бўлса керак. Хуллас, нима бўлгани ҳақида ҳеч нарса айтмабди.

– Эртага бомдод намозидан кейин шу ерда бўлгин, - дебди. – Эртага йўлга чиқадиган карвон билан сен ҳам йўлга чиқасан. Сарбонга менинг исмимни айтсанг бўлгани.

– Амаким ҳеч нарса деёлмабди. Тасбеҳни бермоқчи бўлибди, лекин Бакр уста олмабди. «Бу тасбеҳ энди сенинки», – деб айтибди, – деди Ражаб афанди. Кейин мендан сув сўради. Ўрнимдан сакраб туриб, четда турган кўзадан бир пиёла сув олдим ва унга узатдим. Роса чанқаган кўринади, пиёладаги сувни уч кўтаришда тугатди. Бир неча бор қуруқ йўталдан кейин: – Бундан кейин нима бўлди, билмайман. Сир бўлиб қолди, – деди. – Ўша карвон билан ҳажга кетибди. Лекин ҳаж сафари ҳақида, унинг қандай кечгани ҳақида ҳеч ким билмайди. Кейинчалик у зотдан баъзан шеърлар эшитиб қолардим. Билишим бўйича, ана шу шеърларни ҳажга кетаётганда ёзган экан. Билганларим тўғри бўлмаган тақдирда ҳам, энг камида шундай маъно чиқарса бўлади.

Ниманидир эсламоқчи бўлаётгандек туюлди. Хаёлидаги сўзларни таржима қилаётгандек ёки бўлмаса ичида ёд олган шеърларининг сараларини ажратаётгандек эди. Ниҳоят ўша сатрларни эслади ва ич-ичидан берилиб айтишни бошлади:

Жанон юртидаги боғларнинг гули кўринди,
Дўст иқлимидаги лоланинг тоғи кўринди.

Анвори Муҳаммад дўлубон тутди жаҳонни,
Шаққул Қамарнинг мўъжиза бармоғи кўринди.

Ёқубга бугун Юсуфнинг ҳиди келди,
Айюбга ҳатто сиҳҳатининг ўзи кўринди.

Қайғу кечаси ўтди, барча қолмади қўрқув,
Висол куни кундузининг ипи кўринди.

Тил хастасининг дардига дармон эришди,
Агар бор бўлса, ҳаёт сувининг ирмоғи кўринди.

Ишқ билан Шамсий бугун яна важдга эришди,
Агар бор бўлса, бугун дўстининг ўтови кўринди.

Шеърни ўқиб, чопонининг ич чўнтагига қўлини солди. Тасбеҳини олди ва худди севган инсонининг қўлидан тутгандек аста-аста тасбеҳ ўгира бошлади. Атиргул новдасидан қилинганмиди? Амакисидан қолганмиди? Балки, шундайдир.

◆

Айтмоқчи бўлганлари шулардан иборат эди. Бу бўлим шу ерда ниҳоясига етганди. Лекин мен тугашини, бундан кейин у зотнинг жим бўлиб қолишини хоҳламасдим. Тўхтамасдан бу ҳикояни давом эттиришини истардим. Шамсиддин Аҳмадга нима бўлганлигини, қандай қилиб Шамсиддин Сивасийга ўзгарганини билгим келаверди. Шунинг учун, тугатган бўлишига қарамай, ўрнимдан турмадим. Ўзи ҳам бу ҳолатни сезган бўлса керак.

– Хаёлингда сени қийнаган саволлар пайдо бўлганини биламан, ўғлим. Лекин бу суҳбатимизда савол бериш мумкин эмас. Зеро, баъзи саволларга жавоб бериш қийин бўлганидек, баъзи жавобларга савол топиш қийин, - деди. - Бу воқеаларни айтиш - менинг насибам, айтганларимни тинглаш ва уларни ёзиш - сенинг насибанг. Қанчадан-қанча инсонлар келиб-кетмади дейсан. Баъзилари гапирди, баъзилари тинглади. Лекин ҳикоя қилиш менга, ёзиш эса сенга насиб қилди.

Айтолмаслигимни билсам ҳам, «Лекин мен ҳақимда билишмайди, мени танишмайди ва бир марта бўлса ҳам менинг ҳаққимга дуо қилишмайди», - демоқчи бўлдим. Нарсаларимни йиғиштиришни бошладим. Ҳаммасини халтамга солдим. Эндигина кетмоқчи бўлганимда:

- Ўғлим, - деди худди кўзлари кўрадигандек мен тарафга қараб. – Яқинларинг борми?

Йўқ, менинг ҳеч кимим йўқ. Ёлғиз эдим. Бу саволни эшитиб қайғуга ботдим. Қалбим оғриди. Лекин қалбимни оғритган нарса бу эмасди. Менга оғир ботган нарса биринчи марта бундай саволга дуч келганим эди. Оз қолса йиғлаб юборардим. Бироқ мени тинглашини, дардимга дармон бўлишини ва менга насиҳат қилишини жуда ҳам хоҳлаётгандим. Лекин мен оддий бир котиб бўлсам, бунинг устига, тилсиз котиб.

– Хафа бўлма, ўғлим, - деди. – Ҳечам хафа бўлма. Чунки кимсасизларнинг ҳам кимсаси бор.

ШАМСИДДИН АҲМАД

1545

Зила[6]

«Ҳар насибанинг ўз вақти бор».

– Ўғлим, – деди Муслиҳиддин афанди кўзларини қисиб. Унинг кўзлари бу ердаги халқнинг кўзига ўхшамасди, ранги мовий эди. Ёши анчагина ўтиб қолган, кўзларининг нури ҳам сўник эди. Шамсиддин Аҳмадга ўхшаб у ҳам билганларини, кўрганларини ва ҳаётий тажрибаларини ҳузурига келган инсонларга айтиб берарди. Уларга насиҳат қиларди.

– Бу йўл оғир ва қийин йўлдир. Дунёдан воз кечишга розимисан? – дея савол берди ёнида тиз чўкиб ўтирган Шамсиддин Аҳмаднинг кўзларига тик қараб.

– Розиман, устоз, – деди Шамсиддин Аҳмад. Қаршисидаги савол берган инсондан ёрдам сўрамоқчидек турарди гўё.

---

6 Зила – Тўқот шаҳрига нисбатан ғарбда жойлашган, ундан 60 км узоқликда.

Кунлар, балки ойлар давомида сувсиз қолиб, бир қултум сувга зор инсондай унга термилиб қолганди.

– Бу йўлда машаққат бор, азоб ва ғам бор. Ўзингдан воз кечишга розимисан? - деб савол берди Муслиҳиддин афанди.

– Розиман, устоз, - деди ўйлаб ҳам ўтирмасдан.

– Бу йўлда тиканлар кўп, бу йўл азобдан иборат, бу йўлда юриш жуда ҳам қийин. Нафсингдан ҳам воз кечишга розимисан?

– Розиман, устоз, - деди яна бир бор Шамсиддин Аҳмад.

– Унда шу нарсани ҳам яхшилаб билиб ол. Сен дунёдан воз кечсанг ҳам, дунё сендан воз кечмайди. Сен ўзингдан воз кечсанг ҳам, ўзинг сендан воз кечмайди. Сен нафсингдан воз кечишинг мумкин, лекин нафсинг сендан воз кечмайди. Зеро, инсон дунёга мойил. У ҳар доим нимадир хоҳлайди, жуда ҳам кўп нарса хоҳлайди. Ишнинг моҳияти эса ўзига керак бўлган нарсаларни кимдан сўрашни билишдир, ҳатто шунчаки сўрашни билишдир.

Сен бутун дунёдан воз кечсанг ҳам, бутун дунё сендан воз кечмайди. Айниқса, шу нафс сендан ҳеч қачон айрилишни хоҳламайди. У ҳар доим инсон билан бирга. Уни кетди деб ўйлашинг, жим бўлиб қолди, уни енгдим деб ўйлашинг мумкин. Лекин у сенинг энг нозик ва заиф вақтингни пойлаб юради. Уни енгдим деганингда мағлуб бўлган бўласан. Бир инсон «бўлди» деган вақтда билгинки, у «бўлмаган» бўлади. Бир инсон «билдим» деган вақтда билгинки, у билмаган бўлади. Бир инсон «топдим» дейиши мумкин, лекин у топмаган бўлади.

Мен сенга нима демай, бу сўзларнинг фойдаси йўқ. Чунки мен сенга «оқ» десам, нафсинг «қора» дейди. Мен сенга «бор» десам, нафсинг «йўқ» дейди. Мен сенга «қол» десам, нафсинг «кет» дейди. Ҳеч кимни ёки ҳеч нарсани мағлуб

этишга мажбур эмассан. Сен фақатгина нафсингни мағлуб этишинг керак. Билганларингни унут. Чунки билганинни билмаслик ва билмаганини билиш бу йўлдаги биринчи қадамингдир. Сен ўзингни танишинг керак деган мақсадда айтдим бу сўзларимни.

Жанг майдонига чиқишдан олдин душман кимлигини билишинг керак. Бизнинг бу дунё майдонидаги душманимиз нафсимиздир. У ҳар доим бизни ўзимиздан, мақсадимиздан узоқлаштирмоқчи бўлади. Ниятини амалга ошириш мақсадида тузоқ қўйиб, бизни кутиб туради. Баъзан мол-мулк билан, баъзан шон-шуҳрат билан, баъзан эса кибр ва нафрат билан ҳужумга ўтади. Биз ҳам душманимизнинг ким эканлигини, қандай кучга эгалигини яхши билсаккина, қаноатимизни қалқон қилиб, тавозени қурол қилиб, унга қарши курашишимиз мумкин. Бу жангда ғолиб ёки мағлуб бўлишимизни Аллоҳ билади, албатта. Лекин бизнинг вазифамиз жанг қилиш, нафсимизга қарши курашишдир. Қолганини эса Аллоҳ билади. Англагинки, нафсини билган инсон ўзини ҳам яхши билади. Бир кўнгил ололмасанг, дунёларни олишнинг нима фойдаси бўлиши мумкин?

Узоқ йиллардан кейин Шамсиддин Аҳмад Зилага қайтиб келди. Аммо кетган Аҳмад билан келган Аҳмад бир хил эмасди. Бошқа инсонга айланиб қолганди гўё. Ёки бўлмаса бошқа инсонга айланмоқда эди ва бир сир, бир ҳикмат, янги бир ҳаёт кутаётганди. Балки, кимнидир кутаётгандир. Йўлнинг охирига келганди, ўз ватанига қайтганди. Лекин ҳали-ҳануз бу йўлнинг йўлчиси эканлигини ўзи ҳам билиб турарди. Бу йўлда ўзига бир йўлдош қидираётганди. Унга йўл кўрсатадиган йўлдош...

Кунлари ва тунлари сокин кечди. Деярли ҳеч ким билан гаплашмади. Чунки у тилидаги сирни ечадиган, қалбидаги ҳолатни биладиган ва унга янги ҳаёт берадиган инсон

қидираётганди. Атрофида ўзига керак бўлган ҳамма нарса бор эди. Агар хоҳласа, мударрислик касбига ҳам қайтиши мумкин. Мақом ва лавозимга эга бўларди. Бунинг ортидан мўмайгина даромад топса бўлади. Лекин унинг хаёлида бошқа нарса бор эди. Қалбини куйдираётган оловни ўчирмоқчи, ўзини ошиқлар йўлига олиб борадиган бир инсоннинг устозлик қилишига муҳтож эди. Бу йўл узоқ ва машаққатли эди. Йўлда юриш учун ўзига бир ҳамроҳ, йўл кўрсатувчи бир сарбон тополмайдиган бўлса, оёқлари қоқилиб, ўз йўлини йўқотиб қўйиши мумкин. Ўз ҳолатини тушуниб етганди.

Шунинг учун ўзига бир дўст, бир устоз ёки бир табиб қидираётганди. Кўп вақт ўтмай излаган инсонини топди. Бу воқеа қайтиб келганидан бир неча ой ўтиб содир бўлди. Ичидаги олов қалбини ўртар, бир кўнгил булоғидан қониб-қониб сув ичмоқчи эди. Хаёлидан ёшлик чоғларида уни дуо қилган дадасининг шайхи Ҳожи Хизр афанди ҳечам кетмасди. Лекин унинг вафот этганига анча бўлганди. Ҳожи Хизр афандининг вафотидан кейин унинг шогирдларидан бўлган Муслиҳиддин афанди ҳақида эшитиб қолди. Эзина бозори деган жойда яшаркан. Бу ҳақда дадаси айтиб берганди. Кутиб ўтирмасдан у зот томон ошиқди. Ўзини оловга урадиган парвона каби била туриб унинг ҳузурига борди. Дармонимни дардимда топарман деб йўлга чиққанди.

Мана, бир йилга яқинлашиб қолди, ўша зотнинг ҳузурида. Ҳар ҳафта бир неча кун унинг ёнида чиллага кирар, билиш учун эмас, англаш учун уни тингларди. Муслиҳиддин афандининг ҳам ҳаётдаги сўнгги кунлари ўтиб борарди. Бу дунёдан кўра у дунёга яқинроқ эди. Шунинг учун бўлса керак, кўпроқ васият оҳангида гапирарди. Бир неча кун аввал ҳам шунга ўхшаш гаплар гапирди. «Нафсингни билсанггина, ўзингни англай оласан», - деб гапини тугатганди. Қани энди Шамсиддин Аҳмад бу айтилганлар

устозининг сўнгги сўзлари эканлигини билганида эди. Агар буларни вақтида пайқаганида, дарҳол қайтиб келган бўлармиди? Пайқаганида, ҳақиқатан қайтиб келиб, унинг ёнида бўлган бўлармиди? Ўзи ҳам билмасди. Бу саволларга жавоб беролмади.

Ўтган бир йил давомида ўз йўлдошини топгандек бўлди. Ўзи учун ҳамма нарса кўнгилдагидек тугаган эди. Кўнгил табибини, дардига дармон бўладиган инсонини топганди ва бошқа бир ҳолатга ўзгараётганди. Халқ ҳам уни ҳурмат қилишни бошлаганди, унинг насиҳатларига қулоқ тутишар ва келиб унинг суҳбатларини тинглашарди. Зилада уни танимаган, билмаган одам йўқ эди. Суҳбатларида қалбидан марваридлар тўкилар ва тингловчиларга таъсир қилмасдан қолмасди. Масжидларда намоздан кейин бўладиган суҳбатларда кўплаб инсонлар тўпланишар, ҳар томонда одамларнинг оғзидан тушмай қолганди.

Лекин бугун эрталаб ҳамма нарса чаппасига кетди. Эрталаб вақтли уйғониб, бомдод намозини ўқиди. Ҳужрасидан энди чиқмоқчи бўлиб турганида, бир киши ичкарига кириб келди. Бу инсон Эзина бозоридаги шайхнинг дарвешларидан бири эди. Бу дарвеш унга ғалати бўлиб кўринди. Кўзларида маъюслик, юришларида ҳам ҳорғинлик сезилиб турарди. Ичида: «Тинчликмикан, ишқилиб?» - деб қўйди. Хаёлига келаётган нарсалардан қўрқиб, ичига мусибат чўккандек бўлди. Дарвеш салом бериб унга яқинлашди.

– Аҳмад афанди, - деди-ю, жим бўлиб қолди. – Ҳалиги... шайхимиз... - деб ютинди. – Шайхимиз у дунёга риҳлат қилдилар, - деди ва яна жим бўлиб қолди.

Шамсиддин Аҳмаднинг кўксига пичоқ санчилгандек бўлди. Ваҳоланки, бир неча кун аввал у зот билан мириқиб гаплашган, суҳбатдан сўнг ўзини анчагина енгил ҳис қилганди. Шу пайт шайхи айтган гап эсига тушди. «Топдим

деган инсон тополмабди», – деган эди. Ҳозир эса ўзи ҳам йўқотиб қўйганини ҳис қилди. Йиллар давомида излаб энди «топдим» деганида йўқотиб қўйганди. Ичидаги олов ўлимга ёки ўлган инсонга эмас, ўзига қаратилганди. Қанотсиз қуш бўлиб қолганди. Қандай қилиб учиши мумкин? Худди чўққидан пастга қулаётгандек эди. Унинг қўлидан ким ушлаб қолади? Уни ким қутқариб қолади? Ичида: «Энди мен нима қиламан?» – деди. Кўзларидан оққан ёш соқолини ҳам ҳўл қилди.

◆

Шайхнинг ўлими унинг қалбини яралади. Ҳатто бу ярага даво топилмаса керак деб ўйлаб қолди. Бу жудолик унга жуда оғирлик қилди. Узоқ вақт ўзига келолмади. Сувсиз қудуққа ўхшаб қолди. Ҳаётида маъно қолмади. Тилидан зикр, ақлидан эса фикр қочди. Ўзини янада ёлғиз ҳис қилди. Йиллар ўтиб «топдим» деганда ҳамма нарсасини йўқотиб қўйди. Аслида, шайхи унга бу ҳақда айтиб берганди. «Диққатли бўл! Йўқотиш учун, аввало, топиш керак. Энди «топдим» деганингда йўқотишни бошлаган бўласан», – деб насиҳат қилганди.

Бир лаҳзада ҳамма нарса ўзгариб кетди. Қалбига қулоқ сололмай қолди. Қалбини тинглай олмас, нима деганини эшитмас, ҳатто қалбини тушунмасди. Зикр ҳам қилмай қўйди. Нафсининг гирдобига тушиб қолди. Дунёга берилди. Хафа бўлган сари ўзини оловга отди. Оловда ёнган сари ўзидан узоқлашди. Шундай узоқлашиб кетдики, қалбини ҳам эшитолмай қолди. «Сен ҳеч кимга муҳтож эмассан», – дея қулоғига пичирларди нафси. «Узоқ йиллар қидирдинг ва ниҳоят топдинг. Лекин Аллоҳ ҳар бир туғилган инсоннинг қадарига ўлимни ҳам ёзган. Унинг ҳам вақти-соати етди. Ажали етди ва умри тугади. Зеро, сен ҳам ўзинг мақсад қилган нарсаларга эришдинг».

Бошида нафсининг айтганларига қулоқ солди. Даргоҳни, суҳбатларни, шукр ва ҳаловатни унутди. Аввалари унинг суҳбатини жон қулоғи билан тинглаган, у ҳақда узундан-узоқ мақтовлар ёғдирган инсонлар у ҳақда нохуш сўзлар айтишни бошлашди. Халқ орасида «ақлдан озибди», «қалби қорайиб кетди», «дунё ишларига берилиб кетди» деган гаплар тарқалди. Шамсиддин Аҳмад атрофидаги гап-сўзларни эшитса ҳам, буларга парво қилмади. Унга нима бўлди? Кимга мағлуб бўлди, ўзигами, ўз нафсигами ёки дунёгами? Қидиришдан, изланишдан ҳам воз кечди. Воз кечибгина қолмади, атрофига кўнгил аҳли эмас, дунё неъматларига алданган инсонлар тўпланадиган бўлди. Дунё ҳақида гаплашишар, дунё билан завқланишар, дунё тўғрисида суҳбат қилишарди. Кунлар шу ҳолда ўта бошлади. «Мударрис Аҳмад», «Шамсиддин Аҳмад» каби исмлардан асар ҳам қолмади. Фақатгина «Аҳмад» деган исм қолганди.

Бир куни тунда кўкрак қисмида пайдо бўлган оғриқ сабабли уйғониб кетди. Ўзига келолмас, безовта эди. Кейин бирданига йиғи тутди. Пушаймон бўлиб кўз ёш тўкар, бақириб йиғлар, соқолларигача ҳўл бўлиб кетганди. Қандай ҳолатга тушиб қолганини англаши учун дунёларга берилиб, шундай азоб ичида ёниши керакмиди?

– Аллоҳим, нималар қилиб қўйдим? Мен кимман ўзи, кимларга ўхшаб қолдим? Нафсимнинг қўлидан қутқар мени. Менга ёрдам бер, Аллоҳим. Ёрдам бермасанг, нафсимнинг қўлида ҳалок бўламан, унинг домида қолиб кетаман. Тавба қилдим, Аллоҳим, тавба қилдим...

Қирқ кун давомида ҳеч ким билан кўришмади. Бир оғиз ҳам гапирмади, ҳеч ким билан гаплашмади. Қирқ кун тавба қилди. Қирқинчи куни ҳеч кимга индамасдан, қайтадан қидириш учун, қидирганини топиш учун, ҳеч бўлмаганда шу йўлда бўлиш учун яна йўлларга тушди.

◆

Девоналардек дунё кезди. Қаерда «Аллоҳ» деган бир зот кўрса, унинг ортидан эргашди. Баъзан даргоҳларда, баъзан эса масжидларда кун ўтказди. Кўзларидан ёш, қалбидан эса олов сўнмади. «Фалон ерда фалон инсон бор», – дейишса, ўша инсон томон талпинди. Қаерда даво бор деб эшитса, ўша томон чопди. Фақат изларди, қидирарди. Яшаш қидириш, излаш дегани эди. Топиш учун эмас, кимдир бўлиш учун излаш...

Кунларнинг бирида Мустафо Кирбосий исмли шайх ҳақида эшитиб қолди. Халқ орасида «Шундай бир кўнгил аҳлики, унинг сўзини тинглаган инсон ярасига малҳам сургандек бўлади. Ҳамсуҳбат бўлган инсон дардига дармон топгандек бўлади. Суҳбатига қатнашган инсон қалб бўшлиғини тўлдирган бўлади» деган гаплар юрарди.

Шамсиддин Аҳмад ўша шайх ҳақида эшитибоқ қалби у зот томон талпинди. Қалбида бир илиқлик пайдо бўлиб, вужудини ҳаяжон қамраб олди. Шайх ҳақида гапирган инсоннинг қўлига ёпишди.

– Аллоҳ розилиги учун айтинг, у зот қаерда?

– Узоқда эмас, шу атрофда туради, – деди ҳалиги инсон. – Шу қаршидаги кўчанинг энг охирида. Сизни қабул қиладими, йўқми, билмайман. Лекин эшиги ҳар доим очиқ туради.

Шамсиддин Аҳмад дарҳол шайхнинг манзили томон югурди. Онасини кўриб унга чопган бола каби, чўлда сароб кўрган йўлчи каби шайх ҳузурига шошилди. Чопиб бораркан, кўзидан ёшлар оқар, унинг ортидан оёқ излари ва ёш томчилари қоларди. Қалби иштиёқ, ишқ ва ҳавас билан урарди. Ҳиссиётини шеър қилиб ўқиб борарди:

Агар пиру муғондан хабаринг бор бўлса, айтгин,
Ишқ бодасидан ҳозири бор бўлса, айтгин.

Кел, ишқ бирла расво бўлганни қилма маломат,
Келтир ўқни қазога, қалқонинг бор бўлса, айтгин.

Ёр иқлимига боришга ишқ бўлди жаҳоним,
Эй зоҳид, агар қанотинг бор бўлса, айтгин.

Озод экан, ишққа асир бўлди дилу жон,
Қутқаришга агар ҳунаринг бор бўлса, айтгин.

Бир учқунга зуҳд ила ортди менинг ҳижобим,
Уни ёқишга бир учқун бор бўлса, айтгин.

Шеърни ўқиб ўзи ҳам ҳайрон қолди. Қаердан келди ақлига, тилидан қандай қилиб тўкилди бу сўзлар, билмасди. Қалбидан отилиб чиқаётган сўзлари ҳали тугамаганди. Лекин манзилга етиб келганди. Ҳаяжон билан кўчаларни қандай босиб ўтганини ўзи ҳам сезмай қолди. Йўл четидаги уйлардан кўзини узмай, маҳалланинг охиридаги пахсадан қилинган уйга етиб келди. Уй катта боғнинг ўртасида жойлашган, атрофи тош деворлар билан ўралганди. Тош деворга ўрнатилган ёғоч эшикдан ичкарига кирди. Шайх боғнинг ўртасида атиргуллар ёнида эди. Шайхни танимасди, аввал ҳам кўрмаганди, лекин қаршисидаги инсоннинг у эканлигига ишончи комил эди. Шайх атиргулнинг тагини юмшатар, бегона ўтларни юлаётганди. Аввалига иккиланиб турди, лекин ўзини тўхтатиб туролмади. Аслида, бу йўл ғайрат ва жасорат талаб қилади. Буни ўзи ҳам яхши билади. Шунинг учун ўйланиб турмади. Шайхга яқинлашди ва ҳеч нарса демасдан қараб турди. Лекин йиғидан ўзини тўхтата олмади, кўз ёшлари унга бўйсунмасди. Шайх тупроқларни юмшатиш билан

банд бўлгани учун унга орқа ўгириб турганди. Кутилмаганда орқасига қарамасдан гапира бошлади.

– Қалбингдаги оташ жуда ҳам ҳароратли, ўғлим, – деди. – Бу оташнинг ҳарорати димоғимизни куйдиряпти.

Шамсиддин Аҳмад ҳеч нарса демади. Бу ҳолат ўз ихтиёрига боғлиқ эмасди. Хоҳласа ҳам, гапиролмасди. Бир оғиз гапирадиган бўлса, ўзини тутиб туролмаслиги аниқ эди. Ёш болалардек ўкириб йиғлаб юбориши ҳеч гап эмасди.

– Ўғлим, дарахт пайванд қилишни биласанми? – деди шайх.

Биларди, албатта. Лекин билишини айтолмасди. Гапириш қўлидан келмасди. Аслида, бу жавоб бериши керак бўлган савол ҳам эмасди.

– Пайванд қилинадиган дарахт анач деб аталади. Ёввойи дарахт. Кўп мева бермайди. Берса ҳам, таъми бўлмайди. Худди дунёга ўхшайди. Кўриниши бор, лекин сохта. Кўринганидек эмас. Қарасанг, кўзингни қувонтиради, лекин мевасини есанг, сенга дард бўлади. Яна қаламча деган нарса бор. У мева берадиган дарахтдан олинади. Қалбга ўхшайди. Шу қаламча олиниб, аначга пайванд қилинади. Маҳкам қилиб боғланади. Шу ҳолатда унишни бошлайди. Ҳақиқий танам шу деб ўйлайди, лекин бу тана унга бегона.

Бу гапларни айтаркан, бир томондан, тупроқни юмшатиш билан банд эди.

– Ҳаёт шунақа, ўғлим. Бизнинг ҳолатимиз ҳам шу дарахтга ўхшайди. Мевали дарахтсан, лекин ёввойи дарахтда кўкарасан, унасан. Унга боғлиқсан. Ҳақиқий танангни қидирасан. Инсонларнинг кўпчилиги ёввойи, бегона танада эканлигини билишмайди. Сен эса буни англагандек кўринасан. Хўш, сен ўша бегона танадан чиқишга тайёрмисан?

Шамсиддин Аҳмад яна ҳеч нарса демади. Фақатгина кўзидан оқаётган ёшларини ўнг қўлининг орқаси билан артиб, «ҳа» дегандек бошини қимирлатди.

– Қароринг қатъийми?

Яна бошини қимирлатиб жавоб берди.

– Йўлга чиқишга тайёрмисан?

Яна бошини қимирлатди. Шу вақт кутилмаганда шайх орқасига ўгирилиб, Шамсиддин Аҳмаднинг юзига қаради. Қўлида ҳали очилиб улгурмаган атиргул ғунчаси бор эди. Кулиб юзини очишга улгурмасидан узилиб тушганди. Шайхнинг кўзига кўзи тушиши билан Шамсиддин Аҳмаднинг бутун вужуди титраб кетди. Унинг кўзига қараб, бутун ўтмишини кўраётгандек эди. Ўтмишда нима бўлганини, қандай яшаганини ва нималар содир бўлганини англагандек эди гўё. Сири очилиб, бу сирни беркитиб турган сабаблари ҳам йўқолгандек ҳис қилди.

– Тавбангга содиқ қоласанми?

Бу саволдан кейин ўзини ушлаб туролмади. Ҳушидан кетаётгандек бўлди. Бу оддий йиғлаш эмасди. Кўзларидан ёш эмас, дарёлар оқаётганди.

Шайх Мустафо Кирбосий кўзларини юмди. Нимадир ўйлаётган ёки туш кўраётгандек эди. Бошини эгиб, бироз кутди. Ҳеч нарса демади. Фақатгина кутди.

Кўп ўтмай:

– Ўғлим, – деди. – Аллоҳ сени ўзи севган бандаларидан бирига хизмат қилиш учун юборади ёки севган бир бандасини сенга юборади. Лекин бунга ҳали анча вақт бор. Ҳеч бўлмаганда ярим йил кутишинг керак. Тавбангдан ҳам, йўлингдан ҳам асло ортга қайтма. Шуни айтмоқчи-

манки, сенинг насибанг менда эмас. Кутишинг ва сабрли бўлишинг керак. Шуни асло унутма. Аллоҳ сен хоҳлаган нарсангни сен кутмаган вақтда беради.

◆

Кутиш инсонга оғирлик қилади. Кутиш оташ деганидир, кутиш оташда ёнишдир. Лекин кутаётганингиз арзигулик бўлса, кутишнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Фақатгина сабр қилиб кутиши керак эди. Чунки ҳар бир яхшилик сабрдан кейин келади. Шамсиддин Аҳмад буларни биларди. Кутишдан бошқа йўл йўқ эди.

Ичидаги ҳарорат батамом сўнмаганди. Шундай бўлса ҳам, Мустафо Кирбосийнинг ҳузуридан анча енгил бўлиб чиқди. Дардига дармон бўладиган табиб тополмади, лекин дардининг нима эканлигини англаганди. Энг асосийси, дармонга яқинлашганди. Бундан кейин ҳақ йўлдан адашиб, йўлини йўқотиб қўйиши мумкин эмасди.

Мустафо Кирбосийнинг ҳузуридан чиқаётганда унга ҳурмат кўрсатиб, ундан дуо қилишини сўради. Кўзларидан оққан ёшларини артди. Қандай келган бўлса, шу ҳолатда уйдан чиқди. Лекин бу гал ўзини босиб олиб, виқор билан бу ерни тарк этди.

Қайтиш йўли жуда ҳам узоқ эди. Чунки Зиладаги уйига қайтаётганди. Қилган тавбасини ҳеч қачон унутмади. Дадаси Муҳаммад Абул Баракотнинг ёнидан ҳечам айрилмади. Масжидда халқ билан суҳбатларини давом эттирди. Кундузларини илм ва ирфон билан, кечаларини эса ухламасдан ибодат билан ўтказди. Талабалар билан ҳар куни бирга эди. Уларга дарс берар, жума кунлари намоздан олдин халқ билан суҳбатлар қиларди. Вақт ўтиши билан яна атрофида инсонлар кўпайди. Фақатгина Зилада

эмас, Тўқотда ҳам унинг исмини эшитмаган, уни билмаган, суҳбатидан баҳраманд бўлмаган инсон қолмади.

Жума куни яна одатдагидек намоздан бир ярим соат авал келди. Жамоатига юзланиб, суҳбатни бошлади.

– Азиз биродарларим, – деди ўзини тинглаб ўтирган халқ-қа юзланиб. Керак бўлса ўтирганларнинг ҳаммасининг кўзига қараб чиқишга ҳам тайёр эди. – Бу дунёда инсоннинг зиммасига юкланган энг муҳим нарса сабрдир. Сабрнинг асли эса сирдир. Инсоннинг дарди кўп, қайғуси, изтироби кўп. Ҳатто энг бошиданоқ ўз ватанидан ғурбат бир элга, яъни бу дунёга келди. Илк кундан йиғлашни бошлаган инсон бу ерда умр деган сургунга дучор бўлди. Асосий мақсад илк келган вақтда йиғлаш эмас, ўлган вақтда йиғлашдир. Дунёда кўз ёш тўккан инсон охиратда табассум билан ватанига қайтади. Шуни билингки, азиз биродарларим, дардимиз чексиз, лекин вақтимиз чекланган. Инсонмиз, камчилигимиз, хатоларимиз бўлади, албатта.

Эга бўлган барча нарсамиз йўқликка маҳкумдир. Йўқ бўладиган, тугаб кетадиган, ўзимизники бўлмаган фоний нарсалар учун дард чекиш, азоб чекиш қанчалик тўғри? Лекин тугамайдиган, камаймайдиган ва эскирмайдиган бир нарса бор. У ҳам бўлса Аллоҳга бўлган муҳаббатдир. Ундан узоқлаштирган нарсалар бизга душман, Унга яқинлаштирадиган нарсалар дўстимиздир. Буларнинг қийин эканлигини яхши биламан. Чунки дунё ҳам, нафсимиз ҳам бизга жуда яқин. Буларнинг чораси эса сабрдир.

Буларни ўзини тинглаб ўтирган халққа қараб айтаётган бўлса ҳам, аслида, ўз нафсига айтаётганди. Ўзи билан курашаётганига анча вақт бўлди. Ўзини енгиш учун сабр қиличини қўлига олганди.

Бир вақтлар дардини дадасига айтиб берганди. Дадаси эса шундай насиҳат қилганди:

– Дармон деган нарса ҳам дарднинг эгасида бўлади. Аллоҳ истаса, дардга дармон беради. Лекин дардга ҳам шукр қилиш керак. Дарди йўқ одамнинг ўзи йўқ. Дард чеккан нарсаларинг ўзингники бўлади, ўғлим. Фақат бунга сабр қилиш керак. Сабр қобиғи қаттиқ, ичи мазали егуликка ўхшайди. Қобиғини арчиш учун ғайрат қилиш керак бўлади. Сен сабрли бўл ва ғайрат кўрсат. Шундагина дардини берган давосини ҳам беради.

Мана, ҳозир дадаси айтгандек қилаётганди. Сабр билан кутяпти. Инсонларга айтаётган бўлса ҳам, кўпроқ ўз нафсига насиҳат қилаётганди. Ўз нафсига қарши чиқиб, бу аёвсиз жангда ғолиб бўлмоқчи эди. У сабр қилади, Аллоҳ эса унга насибасини беради.

Шу вақт уни тинглаётганлар орасидан бир ёш йигит хижолат бўлиб қўлини кўтарди. Шамсиддин Аҳмад бошида уни кўрмади. Уни кўриши биланоқ йигитга гапириш учун рухсат берди.

– Устоз, - дея гапини бошлади ёш йигит. Соқоллари энди-гина чиқишни бошлаган, бошида эса ғалати бош кийим бор эди. – Устоз, биз сабр қилсаг-у, Аллоҳ сабр қилиб кутган нарсамизни бермаса-чи?

Гапиришга гапирди-ю, лекин саволидан хижолат бўлгандек эди. Масжидда ўтирганлар савол берган ёш йигитга қарашди. Ҳатто ёнида ўтирганлардан бири уни бир туртиб қўйди. Қанчалик ғалати эшитилган бўлмасин, саволнинг маъноси бор эди. Шамсиддин Аҳмад бу йигитнинг хижолат бўлганини кўриб, унга табассум билан қаради. Озгина кутди. Кейин бутун жамоатга гапиргандек баланд овоз билан гапиришни бошлади:

– Балки, насиб қилмаслиги бизнинг насибамиз бўлиши мумкин.

Шундай деди-ю, бу гапининг ўзига ханжар каби урилганини ҳис қилди. Сабр қилсанг-у, сен кутган нарса амалга ошмаса-чи? Бу саволни хаёлидан ўтказди ва яна гапида давом этди:

– Инсон бу дунёда кўп нарсага эга бўлишни хоҳлайди. Лекин хоҳлаган нарсаси яхшими ёки ёмонми, нима эканлигини билмайди. Кўрган нарсасини билади, холос. Кўрмаганига эса бегона. Лекин Аллоҳ учун чегара йўқ. Бермаётган бўлса, демак, бир сабаби бор. Бизнинг нолаларимизни эшитади, айтганларимиздан хабардор ва дуоларимизга жавоб беради. Баъзан жавоби ижобий бўлмаслиги мумкин. Бу манзилда инсоннинг ҳақиқий насибаси нима, биласизларми?

Масжидни тўлдириб ўтирганлар уни диққат билан тинглашаётганди. Оғзидан чиқадиган ҳар гапни интиқлик билан кутиб туришарди.

– Бу манзилда инсон ўз дуосини Аллоҳга етказса бўлгани. Шунинг ўзи етарли бўлади. Аллоҳнинг бергани бизнинг насибамиздир.

Шу вақт азон овози эшитилди. Суҳбатини тўхтатиб, азон тугашини кутди. Кейин дуо қилиб, суҳбатини тамомлади. Жамоат билан сафга ўтирди. Лекин хаёлида ҳали ҳам баъзи саволлар айланиб юрарди:

«Ўзининг насибаси нима бўлиши мумкин, бу насиба бир инсонми, агар инсон бўлса, қачон ва қаердан келади?»

◆

Ражаб афанди энг охирида шуларни ёздирди. Кейин бир шеър ўқиди:

Яна бир дард учун дармон излайман,
Макони йўқ шаҳарга сайр қилишни хоҳлайман.

Жигар пора-порадир ҳажр дастидан,
Бошимни тўп қилишга чавгон излайман.

Бир қуруқ зуҳд билан ортди ҳижобим,
Кўнгил мулкига Сулаймон излайман.

Димоғим фанодир совуқ дастидан,
Мўътабар қилишга аттор излайман.

Ташнадир юрагим ишқ дастидан,
Мени қондирсин деб уммон излайман.

Ёқуб каби Юсуфимни йўқотдим,
Уни топарман деб Канон диёрини излайман.

Аллоҳ ҳақида тўғри хабар бермадилар,
Минг сўзнинг боши бўлган бир сўз излайман.

Шамсийнинг узри кўп тақво йўлида,
Айбимни яшириш учун Саттор излайман.

Кўзлари жиққа ёш бўлди. Хаёлида жуда ҳам кўп сўзлар бор эди. Лекин уларни айтишни хоҳламади. Котибга айтганларидан ташқари ичида сақлаган, сир деб билган сўзлари бор эди.

– Шунақа, - деди. – Сўзларини сўзлар, бир тарафдан эса қидирар ва изларди.

КОТИБ

1605

Сивас

«Ҳу Аллоҳ, Ҳу Аллоҳ».

Икки кундан бери ўз ҳужрамда лавҳимнинг бошидаман. Ражаб афандидан эшитиб ёзганларимни қайтадан оқ қоғозга кўчиряпман. Бу ерга келганимга ҳам бир неча ҳафта бўлди. Қиш мавсуми бошланди. Атроф жуда ҳам совуқ. Кунлар ҳам мавсум билан биргаликда ўзгарди. Ҳатто мен ҳам ўзгардим. Энди бу ерда меҳмон эмасман. Мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қўйди. Энди менга бегонадай қарашмайди, ҳар хил саволлар ҳам беришмайди. Лекин бошқа бир ҳолат бор. Кўзимдан қочгани йўқ. Шайх билан масжидда соатлаб ўтиришимиз, менга нималар айтаётгани, нималар ёздираётгани, ҳатто улар туриб нима учун бу ишларни менга қилдираётгани ҳақида атрофимиздаги инсонлар қизиқиб қолишганди. Лекин буни очиқ-ойдин айтишмас, ҳатто сўрашмасди ҳам. Лекин мен бу ҳолатни сезиб турибман. Ҳатто ўзим ҳам атрофимдаги инсонлар

қолиб нима сабабдан менга ёздираётганига тушунмаган-дим. Буни ўзим ҳам билишни хоҳлардим.

Ярим тун. Қоронғи ҳужрамнинг бурчагидаги печканинг чўғлари ўчай деб турибди. Лавҳимнинг ёнидаги мойчироқнинг шуъласи кичкинагина ҳужрамни ёритишга ҳаракат қилади. Шу ҳолатда чуқур ўйга толаман, бир тарафдан, олдимдаги саҳифаларни тоза, оппоқ қоғозга чиройли қилиб кўчираман.

Бирдан ташқаридан овозлар эшитилди. Нима эканлигини билмаганим учун бошида эътибор бермадим. Ўзи меҳмон бўлсам, билиб-билмай ташқарига чиқсам уят бўлмасин деб, ҳужрамдан чиқмадим. Лекин ташқарида нималардир бўлаётганди. Тўхтаб қолар дедим, лекин тўхтамасди. Ғалати ҳолат эди. Нималигини билолмадим. Ярим тунда, шу соатда эшитилаётган овозларнинг нима эканлигига ўзим ҳам қизиқиб қолдим. Олдимдаги қоғозларни тўплаб, лавҳимни бир четга суриб қўйдим. Ҳужрамнинг кичкина деразаси бор. Деразага аста яқинлашдим. Ташқарига қарасамми ёки қарамасамми, ўйланиб қолдим. Лекин чидолмадим. Ичимдаги қизиқиш иккиланишимдан устун келди. Деразанинг пардасини четга тортдим. Пардани бутунлай очмадим ва кичкинагина жойдан ташқарига қарадим. Дарвешлар ўз ҳужраларидан чиқиб, ҳовлининг ўртасида тўпланишаётганди. Каттагина ҳовлининг ўртасида гулхан ёқилган, дарвешлар эса унинг атрофида ҳалқа бўлиб тўпланишарди. Шу соатда нима қилишмоқчи булар?

«Аввалига тушунмадим. Ярим тунда, бунинг устига, шундай совуқ ҳавода нима қилишмоқчи ўзи?» – дея хаёлимдан ўтказдим.

Келганимга бир неча ҳафта бўлди. Шунинг учун ҳовлидагиларнинг кўпини таниб турибман. Буларнинг ичида

фақатгина Дарвеш Маҳмуд билан гаплашганман, холос. Аслида, буни том маънода гаплашиш ҳам деб бўлмайди. Баъзан бир юмуш биланми ёки бир масаладами мурожаат қилмоқчи бўлсам, қоғозга ёзиб, Дарвеш Маҳмудга берардим. У ҳам ўқиб кўриб, жавоб берарди. Шу билан гаплашган бўлардик. Бу инсондан бошқа ҳеч ким билан алоқам йўқ. Қолган инсонларга фақатгина бошимни эгиб салом бергандай бўлар, ёнларида индамай айланиб юрардим. Баъзиларини юзларидан танийман, ҳатто баъзиларининг исмларини ҳам биламан. Ҳовлидагилар ҳақида билганларим шулардан иборат. Бу ерда борман-у, лекин йўқдайман.

Деразадан томоша қилаётиб Дарвеш Маҳмудга кўзим тушди. Эгнида қалин чопони бор эди. Ёнаётган гулхан атрофига бўйралар солинган, дарвешлар шу бўйраларда ўтиришарди. Деразамнинг тўғрисидаги дарвешлар ичида Дарвеш Маҳмуд ҳам тиз чўкиб ўтирибди. Яна ҳам диққат билан қарадим. Нима қилаётганларини билмоқчи бўлдим ўзимча. Лекин барибир тушунмадим. Тушунмасам ҳам, кузатишда давом этдим. Шу пайт ҳаммаси бирданига ўрниларидан туришди. Нимадир бўлганга ўхшайди. Нима қилишмоқчи ўзи?

Кўп ўтмай Ражаб афанди ҳам кўринди. Ёнида ҳеч ким йўқ, ҳассасига таяниб, оғир қадамлар билан келаётганди. Уни кўришим билан қўрқиб кетгандек бўлдим. Ёки ҳаяжонландимми, билмайман. Тезда дераза пардасини ёпиб қўйдим. Деворга суяниб ўтирдим. Юрагим қаттиқ уришни бошлади. Айб иш қилиб қўйдим деб ўйладим. Ортга кутиб турдим. Лекин яна чидаб туролмадим. Пардани яна ҳам кичикроқ очиб, кўз қирим билан ташқарига мўраладим.

Дарвешлар бошларини эгиб туришарди. Ражаб афанди келди ва ҳалқа бўлиб турган дарвешларнинг нариги та-

рафида, тўр томонга солинган тўшакка ўтирди. Қолганлар ҳам бир вақтда секингина тиз чўкишди. Бир қанча вақт сокин бўлиб, ҳатто нафас ҳам олмагандек жим бўлиб кутишди. Ҳаво совуқ. Ҳамма жим. Осмонда юлдузлар кўринса ҳам, атрофни ёритиб турган фақатгина шу гулханда ёнаётган олов эди. Бу ерда шундай сукунат ҳукм сурардики, «тиқ» этган товушни эшитса бўларди. Жим бўлишди, бутун борлиқ, бутун дунё ва бутун товушлар билан биргаликда жим бўлишди. Бирдан Ражаб афанди қаддини ростлади. Аввал: «Бисмиллаҳ», - деб қўйди. Кейин бошидаги салласининг кўксига тушиб турган учини орқасига ташлади.

– Ўғилларим, ҳар бир куннинг ўз туни бор. Ҳар жон уйқуда бўлса ҳам, қалби уйғоқдир. Ҳар борлиқ йўқдек экан, сирлар маълумдир. Кечалар кунларни беркитади, лекин гуноҳларни эмас.

Буларни айтиб, секингина кўрмайдиган кўзларини юмди. Бу гал овози яна ҳам баландроқ ва меҳрлироқ бўлиб жаранглади:

– Ҳу деб айтинг, дарвешлар, Ҳу... Аллоҳ учун Ҳу...

Дарвешлар айни вақтда биргаликда ўтирган жойларида орқага-олдинга эгилиб жўр бўлишди:

– Ҳу Аллоҳ, Ҳу Аллоҳ...

Аввалига паст овоз билан айтишди. Лекин секин-аста кучайиб борди. Кучайган сари тезлашди. Тезлашган сари бир маромда давом этди.

Парда орқасидан воқеаларни кузатиб турибман. Шу пайт ғалати бўлиб кетдим. Ичимда нималардир ҳаракат қилаётгандек ичимга сиғмасди. Нима эканлигини ўзим ҳам тушунмадим. Дарвешлар қанча такрорлашди, неча марта

айтишди, саноқда адашиб кетдим. Бирдан тўхташди ва яна Ражаб афандининг овози эшитилди:

– Қалбимизда тахт қурган Ўзи, кўнгил Уники, борлиғимиз Уники... Ишқ билан ўртанган қалбга дармон ҳам Ўзи... Дардга дармон ҳам Ўзи, сирга фармон ҳам Ўзи... қалбдан Ҳу деб айтинг, дарвешлар...

– Ҳу Аллоҳ, Ҳу Аллоҳ, – дея дарвешларнинг овози акс садо берди.

Овозлар бир бўлди, бир бўлиб самоларга юксалди. Гулхан аланга олмоқда, тун ойдинлашмоқда, совуқ ҳам ёнмоқда. Менинг ичимда ҳам нималардир бўляпти. Улар жўр бўлган сари мен ҳам тинч туролмасдим. Мен ҳам жўр бўлгим келди. Лекин қани энди қўлимдан келса.

Яна бирданига жим бўлиб қолишди. Қани энди давом этишса, қалбим қанот қоқиб учишга тайёр. Давом этишсин, майли, бошқа ҳеч қандай овоз керак эмас, фақат улар давом этишсин. Шу пайт най овози эшитилди. Аввалига бу овознинг қаердан келаётганини билолмадим. Кейин менга орқасини ўгириб ўтирган бир дарвеш қўлида най ушлаб турганини кўриб қолдим. Жуда ҳам ёқимли овоз эди. Қандай қилиб бир қамиш новдадан бунчалик ёқимли овоз чиқиши мумкин? Қалбим оташда ёнгандек бўлди. Ҳатто бир қамиш новдаси ўз дардини шунчалик ифодалай олади. Мен-чи, мен овозимни ҳам чиқаролмайман.

Кўп ўтмай най овозига жўр бўлган яна бир овоз диққатимни тортди. Бир маромда айтилар, сўзлари жуда ҳам таъсирли эди. Бу овозни танидим. Бу Дарвеш Маҳмуд эди. Диққат билан қарадим. Кўзларини юмиб олган, бошини қуйи солиб ғазал ўқияпти. Унга мусиқа ҳам жўр бўляпти. Жуда ҳам ёқимли мусиқа. Агар менинг ҳам овозим чиққанида эди, шу найга ўхшарди. Мен ҳам шу найга ўхшаб

куйлаган бўлармидим. Тингладим, одатдагидек фақатгина тингладим.

Берайлик жону жаҳонни, ҳар ерда айтайлик Ҳу,
Бўлайлик булбул каби сармаст гўзал гулзорларда Ҳу.

– Ҳу Аллоҳ, Ҳу Аллоҳ, – дарвешлар биргаликда жўр бўлишди.

Кўнгилнинг хирмонини Ҳу оташига отайлик,
Ёқайлик оташда уни, кўрамиз дийдорда Ҳу.

– Ҳу Аллоҳ, Ҳу Аллоҳ...

Дил бўстони ичиндан чиқариб айросини,
Тавҳид уругини экайлик, очилар азҳори Ҳу.

– Ҳу Аллоҳ, Ҳу Аллоҳ...

Нафсга оғир келганида унга боқманг, Ҳу деб айтинг,
Ким агар фатҳ ила бўлса, Фаттоҳ кўрамиз анвори Ҳу.

Бирдан ўрниларидан туришди. Турган жойларида сафларини бузмасдан ҳаракат қилишарди. Ҳалқа бўлиб турган жойларида ҳам айланишар, ҳам хиргойи қилишарди:

– Ҳу Аллоҳ, Ҳу Аллоҳ...

Мен ҳам чидаб туролмадим. Хиргойи қилмоқчи бўлдим. Нима, менинг ҳам қўлимдан келмайдими? Мен ҳам айтоламан. Кўзларимни юмиб, қўлимдан келганича хиргойи қилдим. Кичкинагина ҳужрамда ҳам хиргойи қилдим, ҳам айландим. Ташқарида ҳалқа бўлган дарвешлар, ичкарида эса фақатгина мен...

– Ҳу Аллоҳ, Ҳу Аллоҳ...

Улар айтишди, мен айтолмадим. Тилим айтолмади, лекин қалбим айтди.

◆

Эшик очилиши билан уйғониб кетдим. Тунда турган жойимда, деразанинг ёнида ухлаб қолган эканман. Худди ҳушимдан кетгандек. Қандай қилиб ғафлатда қолдим? Нима сабабдан уйғонолмадим, ҳайронман. Қачон ухлаб қолганимни ҳам билмайман. Лекин ўзимни жуда ҳам тетик, жуда ҳам енгил ҳис қилардим. Худди елкамда кўтариб юрган оғир юкдан қутулгандек бўлдим.

Дарҳол ўрнимдан турдим. Атрофимга назар ташладим. Уст-бошимни тузатиб, эшикни очдим. Эшикда Дарвеш Маҳмуд турарди. Уни кўриб ажабландим. Бир тарафдан, тунда эшитган овозини эслаб унга ҳайрон бўлиб қараб қолдим. Салом бериб:

– Тушсанг бўларди, – деди.

Нима деганини тушунмадим. Нима демоқчи? Қаерга тушишим керакди? Кўзларимни қисиб, бошимни қимирлатдим ва шу йўсинда уни тушунмаганимни айтгандек бўлдим.

– Кеча тунда дераза олдида қараб ўтирмасдан, бизга қўшилсанг бўларди, – деди.

Буларни эшитиб ҳайрон бўлдим ва турган жойимда қотиб қолдим. Демак, тунда уларни томоша қилганимни сезиб қолган экан. Шу пайт ўзимни айб иш қилиб, кейин қўлга тушган одамдек ҳис қилдим. Вужудимдан совуқ тер чиқиб кетди. Нафас олишим тезлашди, юрагим ёрилагандек эди. Қимирламасдан қотиб қолдим. Гапиролмага-

нимга шукр қилдим шу пайт. Ҳар доим шунақа бўларди. Жавоб беришга қийналганимда гапиролмаслигим мени қутқариб қоларди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

– Тушганингда яхши бўларди, – деди яна бир бор.

Кўз ўнгимда содир бўлаётган ҳодисалар ҳақиқат эди. Айтилган сўзлар самимий эди. Мен кўзларимни олиб қочмоқчи бўламан, қаршимдаги инсон эса кўзларимга тик боқиб турарди. Шу ҳолатда мени таъқиб қилса керак деб ўйладим. Лекин ундай қилмади. Уялиб турганимни пайқади шекилли, бирдан мавзуни бошқа томонга бурди. Балки, қийин аҳволга тушиб қолганимни кўриб, шундай қилган бўлса керак.

– Қани, кетдик, – деди. – Буружия мадрасасига кетяпман. Сен ҳам юр.

Хурсанд бўлиб кетдим. Тўғриси, ёш боладек хурсанд бўлдим. Бу ҳолат ҳаётимда илк марта содир бўлаётганди. Бир инсон менга иши тушмаган ҳолатда таклиф билдираётганди. «Мен билан борасанми?» деб таклиф қилаётганди.

«Майли, бораман», – дегандек бошимни қимирлатиб жавоб бердим. Маҳмуд афанди мен тайёрланиб бўлгунча эшик ёнида кутиб турди. Кейин биргаликда йўлга тушдик. Даргоҳдан чиқиб, юқорига қараб юрдик. Чопоним юпқалик қилди шекилли, сал совқотгандек бўлдим. Сабр қилиш керак. Чунки бундан бошқа чопоним йўқ. Совқотганимни билдирмасликка ҳаракат қилдим. Озгина юрганимиздан кейин Дарвеш Маҳмуд гап бошлади.

– Кеча тунда кўрганларинг ҳақида айтадиган бўлсам, биз шундай зикр қиламиз. Бу зикр «Даврон» деб аталади. Тилимиз нима деса, кўнглимиз ҳам унга мойил бўлади, унга эргашади. Шунинг учун ҳаммамиз биргаликда У зотнинг исмини айтамиз ва қалбларимиз роҳатлана-

ди, ҳузур топади. Дарвеш деб ўзини Аллоҳ йўлига бағишлаган инсонга айтилади. Лекин бу дунёдан бутунлай воз кечиш дегани эмас. Дарвеш қараган ҳар нарсасида Аллоҳни кўради. Қилган ҳар бир ишини Аллоҳ ризосини кўзлаб қилади. Ҳар айтган сўзини Унинг исми билан бошлайди. Яъни қандай ҳолатда бўлмасин, зикр билан банд бўлади. Биз ҳам доим шундай қилишга ҳаракат қиламиз. Ҳафтанинг баъзи кунларида йиғилиб, биргаликда қалбимиздагиларни тилимизга тўкамиз. Айтмоқчи бўлганим – бизнинг бошқалардан яширадиган сиримиз йўқ. Агар хоҳласанг, сен ҳам бизга қўшилишинг мумкин. Тилинг билан гапиролмасанг ҳам, қалбинг билан гапиришинг мумкин.

Қанчалик хурсанд бўлганимни тушунтиролмасам керак. Чунки биринчи марта менинг борлигимни биладиган, мени кўраётган инсонлар қаршимда турарди. Ерда юриб кетяпманми ёки осмонларда учяпманми, фарқига боролмадим. Ҳатто манзилга етиб борганимизни ҳам билмай қолибман. Буружия мадрасасининг нақшинкор қилиб ишланган тош дарвозасидан ичкарига кирдик. Мен атрофни томоша қилишни бошладим. Дарвеш Маҳмуд эса бир киши билан гаплашаётганди. Бу мадраса ҳақида кўп эшитгандим. Лекин қандай қилиб ҳалигача бу ерга келмаганимни ўзим ҳам тушунмадим. Улуғворлик ва ҳашамат ичида камтарлик, тавозе ҳам кўриниб турибди. Унчалик катта ҳам эмасди. Тўрт томонида ҳужралари бўлган кенг ҳовлиси бор эди. Айвонларда мударрислар турибди. Атрофини эса турли хил ёшдаги талабалар ўраб олишган. Ўнг ва чап томондаги икки қаватли бинолларда мадрасада қоладиган талабаларнинг ҳужралари эди. Кириш дарвозасининг қаршисидаги эшикнинг катталигича келадиган ва қараган инсонни ҳайратга туширадиган бир меҳроб ҳам бор эди. Бу ер, айни дамда, масжид эди. Мен ҳайрат-

лар ичида мадрасани томоша қилаётганимда, Дарвеш афанди келиб қолди.

– Қани, қайтамизми унда? – деди.

Мен ҳам ортидан эргашдим. Дарвозадан икки томонида дарахтлар бўлган тупроқ йўлга чиқдик.

– Бундан олдин бу ерга келмаган кўринасан, – деди.

Тўғри айтди. Аввалларида бу ерга ҳечам келмагандим.

– Бу мадраса Шифоия[7] ва Саҳобия мадрасалари билан биргаликда уч ака-укага ўхшайди. Ҳар бирининг ўзига хос мафтункор жиҳатлари бор. Бу мадрасаларга қараб, баъзан шеърни тош билан ҳам ёзиш мумкин деб ўйлаб қоламан. Агар шундай бўлса, бу учаласи шеърнинг шоҳ-байтларидир. Тўғри, бошқа шаҳарларда бундан ҳам чиройлилари бўлиши мумкин. Лекин мен кўрганларим ичида энг гўзаллари шу учаласи ҳисобланади. Инсонга завқ бағишлайди. Узоқ йиллар аввал қурилган экан. Ҳалигача садақаи жория мақсадида фойдаланиб келинади. Бу биноларни қурдирганларга дуолар ҳам бориб туриши аниқ. Балки, бир кун келиб сен билан бу уч оға-ининг иккисини ҳам кўриш насиб қилиб қолар.

Менга жилмайиб қараб турарди. Ичимда неча марта: «Худо хоҳласа», – деганимни ўзим ҳам билмайман. Бироз юргандан кейин бир бозорга етиб бордик. Расталар орасидан ўтиб, турли хил либос сотадиган бир савдогарнинг дўкони қаршисида тўхтадик. Дарвеш Маҳмуд савдогардан чопон, хирқа ва бир жуфт оёқ кийим олди. Бу ерда кўп қолмадик ва даргоҳга қайтдик. Ҳужрамнинг эшигига

---

7 Шифоия мадрасаси – 1217 йилда Онадўли Салжуқийлар давлати султони Иззуддин Кайковус томонидан ўша даврда қурдирилган энг катта шифохона бўлган. Усмонийлар салтанати даврида мадрасага айлантирилган.

қадар мен билан бирга келди. Ҳужрамга энди кираётганимда:

– Шайх Ражаб афанди бугун ҳужрасига келишингни тайинлади. Шомдан кейин келсин деди, - деб айтди. Кейин қўлидаги чопон, хирқа ва оёқ кийимни менга узатди. Савдогардан олаётганда Ражаб афандига олиб борсак керак деб ўйлагандим.

– Булар сенга, - деди. – Шайхимизнинг сенга ҳадяси.

Кўзимга ёш келди. Ҳеч нарса демадим. Қани энди гапиролганимда, у зотга раҳмат айтган бўлардим. Айтолмадим. Қўлидагиларни олиб, ҳужрамга кирдим. Биринчи марта янги либослар кийишим. Биринчи марта бир инсон мени ўйлаб, менга ҳадя берди. Шу кунни бир умр эсимдан чиқармадим. Узун муддат янги либосларни кийгани кўзим қиймади.